

мавзу:
**БОШКАРУВ ПСИХОЛОГИЯСИ
АСОСЛАРИ.**

РЕЖА:

- 1. Психологияда бошқариш мұаммоси.**
- 2. Гурухларда рахбарлик ва лидерлик.**
- 3. Рахбарлик сифатлари**

1. Психологияда бошқариш муаммоси.

Бошқариш психологияси психология-
нинг шундай тармоғики, у
бошқарув фаолияти билан боғлиқ
бўлган муаммоларни, шахс ва
шахслар груҳи томонидан бошқа
груҳлар фаолиятини самарали
ташкил этиш ва биргаликдаги
фаолиятини амалга оширишнинг
психология механизмларини
ўрганади.

Психология бошқаришнинг хам объекти, хам субъектини ўрганади. Психологик тадқиқотларда ўрганиладиган олимлар жамоаси, алохида шахс, уларнинг психологик холатлари, улардаги айрим жараёнлар ва вазифалари бошқарув объекти. деб айтилади. Бошқарувнинг субъекти- ўрганилганда эса одатда бошқарувчи шахс ёки одамлар груҳи назарда тутилади.

Психология кўпроқ бошқарувчи шахс фаолиятининг психологик асосларини ўрганади ва шу асосда бўйсунувчилар ишларини самарали ташкил этиш, аниқ ва тўғри қарорлар чиқариш учун қандай психологик холат ва жараёнларни ўзида тарбиялаш лозимлиги каби қатор муаммоларни ёчади.

2. Гурухларда рахбарлик ва лидерлик.

Гурухлардаги ўзаро муносабатлар юқоридан пастга ёки аксинча бўлиб, гурух аъзоларининг конкрет мавқелари, бошлиқ билан бўйсунувчилар ўтасидаги муносабатларни ўз ичига олади. Бу борада «лидер» ва «бошлиқ» тушунчалари ўртасидаги фарқлар хақида гапириш лозим.

Лидер асосан грухдаги шахслааро
муносабатларни бошқарса, рахбар
- шу грухдаги расмий
муносабатларни бошқаради

Лидер хеч қачон ёлгиз бўлмайди, у
доимо грух аъзолари грухида
қаралади, у шу грух аъзоларини у
ёки бу харакатларга чорлайди.

Шундай қилиб, хар қандай лидер обрўга эга. Обрулилик шахснинг шундай хусусиятики, у бошқа шахсларга хам хиссий-эмоционал, хам иродавий таъсир кўрсата олиш кобилиятига эгадир.

3. Рахбарлик сифатлари

Рахбарда түгма кобилият булади деб хам айтиб булмайди, иккинчи томондан, рахбар вазиятга караб стихияли тарзда тарбияланиб кетаверади, деб, хам булмайди.

Рахбарда интеллект-акл-заковатнинг маълум нормаси булиши керак. . Бу норма яхши рахбар учун уртадан юкори булмоги максадга мувофикдир,

чунки гений даражасидаги интеллектга эга булган рахбар билан ишлаш ходимлар учун катор нокулайликларни келтириб чикаришини, бундай акл-заковат колганларнинг ижобий ривожланишига психологик тусик булишини амалиёт ва хаёт курсатди. Жамоа фаолиятини ва уз фаолиятини режалаштириш кобилияти рахбар учун мухим

Жамоа аъзолари билан самарали ишлаш учун эса бошлиқ уларнинг психологиясини, хар бир аъзо психологиясини ва гурух (психологиясини яхши билиши зарур, чунки «узгалар психологиясини билиш улар устидан хукмронликнинг ягона йулидир», -деб ёзишган эди инглиз олимлари.



Тавсия этиладиган адабиётлар:

- 1.Андреева Г. М. Социальная психология.
Учебник. — М., 1998
- 2.Аникеева Н. П. Жамоалардаги психологик мухит. — Т., 1992
- 3.Каримова В. М. Ижтимоий психология асослари. — Т., 1994
- 4.Клинов Е. А. Психология профессионала. — М., 1996
- 5.Майерс Д. Социальная психология. — Спб, 1997
- 6.Моргунов Е. В. Личность и организация.
Конспект по психологии. — М., 1996
- 7.Немов Р. С. Психология. Кн. 1. — М., 1994
- 8.Прикладная социальная психология. — М., 1999
- 9.Прикладная психодиагностика. — М., 1999